

«ТАСДИҚЛАНГАН»
"O'zdonmahsulot" акциядорлик
компанияси якка акциядорининг
2016 йил 24 июндаги
йиғилиши томонидан.

«O'ZDONMAHSULOT» акциядорлик компанияси
Саноқ комиссияси тўғрисида
Н И З О М
(янги тахрирда)

I. УМУМИЙ ҲОЛАТЛАР

1. Ушбу Низом "O'zdonmahsulot" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда - компания) Санок комиссиясини (кейинги ўринларда матнда "Санок комиссияси" деб юритилади) ташкил этиш, йиғилишини ўтказиш ва йиғилишда қарорлар қабул қилиш, овозларни ҳисоблаш билан боғлиқ масалалар бўйича меъёрларни белгилаб беради.

2. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда - Қонун) ва Компания Устави асосида ишлаб чиқилган.

3. Санок комиссияси акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи органларидан бири ҳисобланади.

2. САНОҚ КОМИССИЯСИНИ ТУЗИШ ВА ВАЗИФАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

4. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун компания Кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилади, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

5. Санок комиссияси таркиби камида уч кишидан иборат бўлади. Санок комиссияси таркибига компания Кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари, Бошқарув раиси ва бошқарув аъзолари, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар киритилиши мумкин эмас.

6. Санок комиссияси ваколатларининг муддати у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланган пайтдан бошлаб акциядорларнинг тегишли йиғилиши (йиллик, ёки навбатдан ташқари) томонидан санок комиссиясининг янги таркиби сайланиши (ёки қайта сайланиши) пайтигача ҳисобланади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиш пайтида Санок комиссиясининг бир ёки бир неча аъзоси ҳозир бўлмаганлиги ҳолларида, компания Кузатув кенгаши Санок комиссияси таркибига янги аъзо номзодини киритади ёки акциядорларнинг тегишли (йиллик ёки навбатдан ташқари) умумий йиғилиши томонидан кейинчалик тасдиқлаш йўли билан Санок комиссиясини тузади.

7. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш пайтида Санок комиссияси Кузатув кенгашининг (ёки, йиғилишни чақираётган шахсларнинг) топшириғига кўра қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

-акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларни қайд этиш рўйхатини тузади;

-овоз бериш бюллетенларини ва акциядорлар умумий йиғилишининг бошқа материалларини тайёрлайди.

8. Акциядорлар умумий йиғилишида Санок комиссияси қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

-умумий йиғилишда қатнашиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатдан ўтказиши;

-ишончномалар ва улар томонидан бериладиган ҳуқуқлар ҳисобини юритади;

-овоз бериш бюллетенларини беради ва берилган бюллетенларнинг ҳисобини юритади, шунингдек акциядорларга умумий йиғилишнинг бошқа ахборот(материаллар)ини беради.

9. Санок комиссияси:

-акциядорларнинг умумий йиғилишида кворум бор, ёки йўқлигини аниқлайди;

- акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз бериш ҳуқуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради;
- овозга қўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;
- овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш ҳуқуқларини таъминлайди;
- овозларни санаб чиқади ва овоз бериш яқунларини чиқаради;
- овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузади;
- овоз бериш яқунларини акциядорларнинг овоз бериш ўтказилган умумий йиғилишида ўқиб эшиттиради;
- овоз бериш бюллетенларини компаниянинг архивига топширади.

3. ОВОЗ БЕРИШ БЮЛЛЕТЕНЛАРИ ЁРДАМИДА ОВОЗ БЕРИЛГАНИДА ОВОЗЛАРНИ САНАБ ЧИҚИШ ВА ОВОЗ БЕРИШ ЯҚУНЛАРИ БЎЙИЧА БАЁННОМА ТУЗИШ

10. Овоз бериш бюллетенлари ёрдамида овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш вариантларидан фақат биттасини қолдирган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар ҳисобга олинади. Юқоридаги талабни бузган ҳолда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир неча масала акс эттирилган бўлса, бир ёки бир неча масалага нисбатан юқорида кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳақиқий эмас деб ҳисобланишига сабаб бўлмайди.

11. Санок комиссияси овоз бериш яқунлари бўйича баённома тузади. Баённома санок комиссиясининг аъзолари ёки комиссия вазифасини бажарувчи шахс томонидан имзоланади.

12. Овоз бериш яқунлари тўғрисида баённома тузилганидан ва акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси имзоланганидан кейин овоз бериш бюллетенлари санок комиссияси томонидан сўрғичланади.

13. Санок комиссиясининг баённомаси йиғилишнинг махсус қарори билан тасдиқланмайди, балки маълумот учун қабул қилинади ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши баённомасига тикиб қўйилиши зарур.

14. Компаниянинг кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.

Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони компаниянинг кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга, ёки икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.

Давлат вакили лавозимига кўра компания кузатув кенгашининг аъзоси бўлади, у акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланмайди (қайта сайланмайди).

15. Кумулятив овоз бериш ва берилган овозларни ҳисоблаш тартиби қуйидагича амалга оширилади:

Компания уставига мувофиқ Кузатув кенгаши аъзолари сонини 7 киши этиб белгилангани ҳолда Давлат вакилини акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланмаслиги сабабли, Кузатув кенгаши аъзолигига 6 киши сайланиши керак бўлади;

Кузатув кенгаши аъзолигига сайлаш учун 8 та номзод бўйича таклиф киритилганида умумий йиғилиш томонидан бюллетен орқали овоз бериш натижасига кўра энг кўп овоз олган 6 та номзод Кузатув кенгаши аъзолигига сайланган ҳисобланадилар;

Бунда, Кузатув кенгаши аъзолигига сайлаш учун сайлов бюллетенига 8 та номзоднинг фамилияси киритилади;

Акциядор ўзининг акциялари сонини кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтиради (агар, акциядор да 50 000 дона овоз берувчи акциялар бор бўлса, у ҳолда: $50\,000 \times 6 = 300\,000$ та овоз;

Овоз беришда акциядор ўзига тегишли 300 000 та овозни Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлардан бирига ёки бир нечтасига бўлиб овоз бериши мумкин.

16. Овоз бериш вариантлари қуйидагичадир:

1- овоз бериш варианты

	Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар	Акциядор томонидан берилаётган овозлар сони
1	Биринчи номзод	300 000
2	Иккинчи номзод	-
3	Учинчи номзод	-
4	Тўртинчи номзод	-
5	Бешинчи номзод	-
6	Олтинчи номзод	-
7	Еттинчи номзод	-
8	Саккизинчи номзод	-

2- овоз бериш варианты

	Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар	Акциядор томонидан берилаётган овозлар сони
1	Биринчи номзод	50 000
2	Иккинчи номзод	50 000
3	Учинчи номзод	50 000
4	Тўртинчи номзод	50 000
5	Бешинчи номзод	50 000
6	Олтинчи номзод	50 000
7	Еттинчи номзод	-
8	Саккизинчи номзод	-

3- овоз бериш варианты

	Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар	Акциядор томонидан берилаётган овозлар сони
1	Биринчи номзод	100 000
2	Иккинчи номзод	100 000
3	Учинчи номзод	100 000
4	Тўртинчи номзод	-
5	Бешинчи номзод	-
6	Олтинчи номзод	-
7	Еттинчи номзод	-
8	Саккизинчи номзод	-

Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бошқармаси